

Амакилари Абу Толиб қармоғида



09:05 / 25.09.2019 3089

Абдулмутталибнинг вафотидан кейин ҳеч кимсиз қолган ёш Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламни у зотнинг амакилари Абу Толиб ўз қармоғига олди.

Абу Толиб Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оталари Абдуллоҳнинг ота бир, она бир акалари эди. У Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламни ўзига ўғиллари Жаъфар, Ақийл ва Алийлардан ҳам яқин тутар, кўпинча ўзи билан олиб юрар эди.

Аллоҳ таоло Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг турли камчиликлардан холи бўлиб ўсишларини таъминлади. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам барча ёмонликлардан йироқ, ҳамма фазилатларга яқин ҳолда ўсиб бордилар.

Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам вояга етиб қолганларида қўй боқиш билан тирикчилик ўтказдилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам арзимаган ҳақ учун одамларнинг қўйларини боқдилар. Ҳайвонлар ичида энг ювоши бўлган қўйни боқиш ҳамма пайғамбарлар қилган ишдир, чунки бу иш уларни маълум маънода кейинчалик ўз умматларига раҳбарлик қилишдек масъулиятли ишга тайёрлар эди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам йигирма ёшларида Кинона ва Қурайш қабилалари билан Қайс Айлон қабиласи орасида чиққан урушда қатнашдилар. Унда амакиларига камон ўқи олиб бериб турдилар. Шундай

қилиб, ёшлик чоқларидаёқ уруш нима, жасорату шижоат нима эканини синаб кўрдилар. Бу ишда ҳам Аллоҳ таолонинг инояти ила у зотнинг келажакда пайғамбарлик қилишларига тайёргарлик бор эди.

«Ислом тарихи» биринчи китоб